

НОҚУЛАЙ ЭКОЛОГИК МУҲИТДА ЯШОВЧИ БОЛАЛАРДА ЎТКИР ПНЕВМОНИЯДА ЮРАК ҚОН ТОМИР СИСТЕМАСИНING ҲОЛАТИ ВА ОҚИБАТИНИ ПРОГНОЗЛАШ

Джкманиязова Г.М., Юсупова У.У.

Тошкент тиббиёт академияси
Урганч филиали Узбекистон
Республикаси, Урганч шаҳар

Долзарблиги:

Сўнгги йилларда ЖССТ маълумотларига кўра, йилига ер шарида туғилган 125 млн. болаларнинг 10 млн.ни 1 ёшгача ва яна 5 млн.ни эса 5 ёшгача яшамайди. Бу 1/3 ҳолатда ўРВИ ва пневмониянинг нохуш асоратлари билан боғлиқ бўлмоқда. Асоратланган пневмонияда юрак-қон томир тизимида ҳам ўзгаришлар кузатилиб, кўшма инфекцион-яллиғланиш жараёни кузатилмоқда. Эрта ёшдаги болаларда пневмонияда кардио- ва гемодинамик бузилишлар патогенезнинг асосий бўғини сифатида унинг кечишини оғирлаштириб, оқибатини ёмонлаштирмоқда ва кўпинча (5-50% ҳолларда) ўлим сабабларидан бирига айланмоқда.

Калит сузлар: ўРВИ, пневмония, юрак-қон томири, миокардитсиз, анамнезин, меъёр.

Мақсад: Эрта ёшдаги болаларда ўткир пневмонияда юрак-қон томир тизими зарарланишини эрта ташхислаш ва прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Материал ва усуллар: Тадқиқот 2021-2022 йилларда ўткир пневмония бўйича Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг клиникаси болалар пульмонологияси бўлимида стационар даволанган 85 болани клиник-лаборатор текширувларига асосланган. Барча текширилган болалар 2 гуруҳга бўлинди: эрта ёшдаги миокардит билан асоратланган ўткир пневмонияли 40 (34%) нафар бола 1-гуруҳни; миокардитсиз ўткир пневмония билан оғриган 45 (38,2%) нафар эрта ёшдаги бола 2-гуруҳни ташкил этди. Лаборатория текширувлари маълумотларини тўғри баҳолаш учун функционал ва морфофункционал оғишларсиз, меъёрда ёшига мос жисмоний ва асаб-руҳий ривожланишга эга қиёслов ёшида бўлган 20 нафар амалий соғлом бола текширувдан ўтказилди. Тадқиқотларни амалга оширишда замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, иммунологик, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилди: умумклиник: ҳаёт ва касаллик анамнезини ўрганиш, объектив кўрик, сийдик ва қоннинг умумий таҳлили, қоннинг биокимёвий таҳлиллари аниқланди;

Олинган натижалар Олинган натижаларга кўра, ўткир пневмония касаллиги билан оғриган эрта ёшли болаларда касалликни кечиши, реабилитация тадбирларидан сўнг текширув натижалари шуни курсатдики, Гипоксия белгиларининг ривожланганлиги (цианоз – 61,7%, терининг рангпарлиги – 72,0%), ёрдамчи мушакларни иштирок этиши билан нафас қисиши – 61,7%, тез чарчоқ – 59,8%, лохаслик – 48,6%, кўп терлаш – 23,4%, безовталиқ, нотинч уйқу – 57,0%, икки томонлама ўчоқли-қўшилувчи яллиғланиш жараёни – 72,0%) эрта ёшдаги болаларда миокардит билан асоратланган ўткир пневмония кечишининг клиник ўзига хос хусусиятларидир. Эркак жинси – 55,1%, юрак-томир касалликлари бўйича оғирлашган ирсият – 47,4%, ҳомиладорлик даврида онадаги экстрагенитал патология – 95,3%, боладаги перинатал патология – 44,9%, ўтказилган (пневмония 53,3%) ва ҳамроҳлик қилувчи (камқонлик – 89,7%, оксил-энергетик етишмовчилик-51,4%, тимомегалия – 25,2%) касалликлар билан боғлиқ бола организми реактивлигининг пасайиши ўткир пневмония билан оғриган эрта ёшдаги болаларда юрак-томирлар тизими жароҳатларининг ривожланиш хавф омиллари ҳисобланади.

Хулоса: ўткир пневмония фонида миокардит билан оғриган бемор болаларни ташҳислаш ва даволаш муаммолари бўйича бир қанча таҳлилар қилинган, критик баҳоланган, умумлаштирилган ва тизимлаштирилган. Касалликни олдиндан эрта ташҳислаш ва прогнозлаш учун реабилитацион мезонлар ишлаб чиқилган ва реабилитация тадбирларига парҳез саклаш, организмини чиниктириш, физиотерапевтик муолажалардан ультра бинафша нурланиш, массаж, электрофарез муолажаси ва витаминотерапия олиб бориш киритилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Shodievich S. H., Roziqovna R. M. OLIY O‘QUV YURTLARIDA MASHG‘ULOTLAR SIFATI VA SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA ILMIY MAQOLALARNING O‘RNI //PEDAGOGS jurnali. – 2023. – T. 25. – №. 1. – С. 52-55.
2. Yusupov M. I., Sh S. H., Mamarasulova N. I. MASOFADAN TURIB O‘QITISHDA MODUL ELEKTRON PLATFORMASINING AHAMIYATI VA AFZALLIKLARI //PEDAGOGS jurnali. – 2022. – T. 9. – №. 2. – С. 47-50.
3. Болтаев К. С., Хамза Ш. Ш. ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРДА ЎҚИТИШНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ЎРНИ //PEDAGOGS jurnali. – 2022. – T. 4. – №. 1. – С. 328-333.

4. Sh S. H., Mamarasulova N. I., Yusupov M. I. HOZIRGI ZAMON TALABALARINING BILIM OLIHIDA ETIK-ESTETIK CHALG'ITUVCHI OMILLAR //PEDAGOGS jurnali. – 2022. – T. 9. – №. 2. – С. 90-95.
5. Mamarasulova N. I., Yusupov M. I., Sh S. H. YANGI ELEKTRON O'QITISH TIZIMI BIZGA QANDAY IMKONIYATLAR BERDI //PEDAGOGS jurnali. – 2022. – T. 9. – №. 2. – С. 19-23.
6. Международная олимпиада - “Молодое поколение судебной медицины” / С. И. Индиаминов, М. Р.Расулова, Ф. Х. Бойманов, А. А. Ким // Вестник судебной медицины. – 2021. – Т. 10, № 4. – С. 54-56. – EDN WULIIS.
7. Indiaminov S.I., Rasulova M.R. FEATURES OF FRACTURES OF BONES OF A NOSE IN PRACTICE FORENSIC MEDICAL EXAMINATION // Russian Journal of Forensic Medicine. - 2018. - Vol. 4. - N. 3. - P. 24-27. doi: 10.19048/2411-8729-2018-4-3-24-27
8. Шайкулов Х. Ш. Esherixioz bilan kasallangan bolalardan ajratilgan gemolitik E. coli bakteriyalarining antibiotiklarga sezgirligi //Молодой ученый.— 2023. – 2023. – Т. 4. – №. 451. – С. 489-491.
9. Хусанов Э. У., Расулова М. Р., Шайкулов Х. Ш. Особенности повреждений подъязычно-гортанного комплекса при тупой механической травме //Астана медициналык журналы. – 2022. – №. S1. – С. 262-265.
10. Саъдинов П. и др. Клинико-эпидемиологическая характеристика стафилококковых энтероколитов у детей раннего возраста //Журнал проблемы биологии и медицины. – 2014. – №. 3 (79). – С. 151-152.
11. Shodievich, S. H., Roziqovna, R. M., & Hamzaevich, S. J. (2023). BUGUNGI KUN KITOBLARI QANDAY BO 'LISHI KERAK. INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY, 1(1), 19-24.